

ТАРИХИЙ СИЙМОЛАР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ ХАҚИДА

Бехзоджон Қуролович Маликов

Тошкент давлат транспорт университети “Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси
катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари асрлар оша ривожланиб, сайқалланиб келаётгани, Шунингдек ҳозирги кунда давлат хизматлари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар, давлатчилигимизни такомиллаштирилиши, давлатни бошқариш масалалари каби ғоялар ҳам ўтмишимизда Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий каби буюк мутафаккир аждодларимизнинг таълимотлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, давлат хизматчиси, тузук, таълимот, модел, тарих, фозил одамлар шахри, президент, қонун, ҳокимият, сиймо

ABSTRACT

In this article, the noble qualities of our people, such as high spirituality, justice and enlightenment, as well as reforms implemented in the field of public services, improving our statehood, and issues of public administration, have been developed and honed over the centuries. The teachings of great thinkers such as Alisher Navoi have been subjected to scientific analysis.

Keywords: civil service, civil servant, constitution, doctrine, model, history, city of virtuous people, president, law, power, figure

КИРИШ

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларидан бошлаб ўзининг бош стратегик мақсадини белгилаб олди. Бу – бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. Бу мақсадга эришишдаги Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилди.

Биз барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат энг



аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида ривожланган давлатларнинг эришган тажрибаларига, ўзимизнинг миллий кадриятларимизга асосланган бўлиши лозим.

Маълумки, иморатнинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик узоқ ва мустаҳкам туради.

Халқимизнинг таянчи – буюк аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи катта бир хазинадир. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш керак.

Халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари асрлар оша ривожланиб, сайқалланиб келмоқда. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган давлатчилигимизни такомиллаштирилиши, давлатни бошқариш масалалари ҳам Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий каби буюк мутафаккир аждодларимиз таълимотларига уйғун ҳолда ҳал қилиниши лозим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимиз тарихида шундай вақтлар бўлганки, алоҳида шахслар ёки сиёсий партиялар ўзларини қонунлардан ҳам устун қўйганлар. Бу борада ўтмиш хазиналаридан бири Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» тўпламида Талҳису навомиси Афлотун (Афлотун қонунлар моҳияти) асарида шундай деб ёзади: «Афлотун соҳиби қонун биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан, фармон беришни билиши зарур, дейди. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий эта олмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди ва унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди. Қонунга амал қилмаган раҳбар ўзи қаҳрамон бўлмай туриб аскарларга раҳбарлик қиладиганларга ўхшайди, бундайларга ҳавас қилиб бўлмайди».

«Афлотун... айтадики, бошқарув турларининг сони қонунчиликнинг сонига мутаносибдир, чунки ҳокимият қонунларга бўйсунди, улардан ҳосил бўлади ва уларга асосланади. Бошқарув ҳам қонунларнинг сонига ва кадриятига боғлиқ. Яхши бошқарув яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув-ёмон қонунларга, етук бошқарув-етук қонунларга боғлиқ».

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида давлат хизматини амалга ошираётган арбоблар қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисида батафсил ёзади. У ким вазир бўлиши мумкинлиги тўғрисида шундай дейди: Вазир «пишиқ ва одил бўлиши, бошқаларни ҳам шу йўлга ундаб туриши лозим. Вазирлик

улуғ иш. Бу ишга ишончли, етук ва сара, укув-идрокли, доно ва юмшоқ кўнгил, айни пайтда дадил ва журъатли кишилар керак»

«Вазирликка ростгўй, ёзув-чизув ишларидан тўла хабардор бўлган киши керак. Унинг хулқ-атвори кўпчиликка манзур, тили билан дили бир бўлиши лозим. Уят-андиша эгаси, дили кирсизлар бу амалга муносибдир. Кўзи тўк, абжир, билафон, сезгир, яхши ёмоннинг фарқига борувчилар вазирликка лойиқ бўлади».

«Бошлиқ тили ва кўнглини тўғри тутадиган бўлса, унинг ходимлари, қўл остидаги ишчилари ҳам тўғрилиқ йўлини танлайди».

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Амир Темур «Куч-адолатдадир» деган шиорга қатъий амал қилиб давлатни бошқарган, адолат фақат жиноят ва жазо, меҳнат ва роҳат, ҳуқуқ ва масъулият ўртасидаги мутаносиблик бўлибгина қолмай, одамларга, давлатга жамиятга улкан куч бағишлашини кашф этган эди. Бу шиорнинг улкан ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги шундаки атрофдаги кўпчилик мамлакатларда бу масала ҳақидаги тасаввурлар адолат кучдадир, шаклида ифодаланарди. Амир Темур ҳам катта салтанат эгаси, улкан куч-қудрат соҳиби сифатида ўша тасаввурнинг сақланишидан манфаатдор эди. Лекин у адолат кучда эмас, куч адолатда эканини баралла айтиш учун ирода ва қатъиятдан ташқари улкан заковат ва донолик соҳиби эканини намоён қила билди.

Соҳибқирон шу икки сўздан иборат шиори билан ўзидан олдин яшаган барча файласуфларнинг ўнлаб, юзлаб китобларда баён қила олмаган фикрни ифодалади. Соҳибқиронгача яшаган файласуфлар адолат нима экани, таркиби қандайлиги, даражаси, моҳияти кабилар тўғрисида бош қотирган бўлса, буюк Амир Темур икки сўз ёрдамида адолат инсонга ва давлатга нима беришини кўрсатиб берди. Ўз даврида ҳеч бир давлатда бўлмаган ва тарихда камдан-кам учрайдиган лавозим – «Адолат амири» лавозимини таъсис этган.

Маълумки, давлат бошқарувида муҳим масалаларни ҳал қилишда тегишли кишилар билан маслаҳатлашиш лозимлиги давлат бошқарувининг асосий принципларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақда бобокалонимиз Амир Темур шундай деган эди: «Пирим Зайнуддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким, Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилган, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган



сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб пушаймон бўлмагайсан. Шуни ҳам билишинг керакким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлғай, яна бир қисми билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур.

Пирнинг сўзларидан Темур жуда тўғри хулосалар ҳосил қилиб, давлатни бошқаришга оид бўлган ўз сиёсатини амалга оширишда фойдаланади. У ёзади: «...Шунга кўра давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим».

Темурнинг фикрича давлатни идора қилишда шошма-шошарликка, манманликка зинҳор йўл қўйиб бўлмаслиги ва бунда муҳим сиёсий масалаларни фақат кенгаш ва тадбир орқали амалга оширилсагина тўғри бўлишлиги, хатога йўл қўйилмаслигига эътибор беришга даъват қилади.

«...Тажрибамда кўрилганким, - деб ёзади Темур, - ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир...».

Мустахам ирода, бағрикенглик, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, диёнат, сиёсатда маслаҳат, мулоҳазалилик, ўйлаб иш қилиш, халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи, миллий урф-одатлари ва анъаналарига, миллий кадриятларига, меросига садоқат, оташин ватанпарварлик – булар Амир Темур ҳаёти, маънавий-маърифий таълимотининг мазмунини ташкил этади десак хато қилмаймиз. Унинг бу таълимоти ҳозирги кунда ҳам раҳбар ходимлар учун дастуруламал вазифасини ўтаса фойдадан холи эмас деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Амир Темурдан кейин унинг адолат тўғрисидаги таълимоти Алишер Навоий томонидан янада ривожлантирилди. Авваллари ўз мамлакатада адолатли шоҳ бошчилигида адолатли давлатга эришиш орзусида бўлган Алишер Навоий дўсти Хусайн Бойқаро ҳокимиятни қўлга олгандан кейин унинг таклифига биноан давлат аппаратида хизмат қила бошлади. Бу ерда шу нарса характерлики, шоир фақатгина хаёлан ташқарида кузатувчи сифатида адолатли давлатни орзу қилиб қолмасдан, балки бевосита феодал давлат аппаратида шоҳдан кейинги энг юқори мансаб – вазирлик лавозимигача бўлган вазифаларда хизмат қилиб, Хусайн Бойқаронинг давлатини адолатли давлатга айлантириш учун кўп йиллар давомида ҳаракат қилди, аммо Алишер Навоий Хусайн Бойқаро раҳбарлигида адолатли давлат қуриш мумкин эмаслигини тушуниб етгач, 1476 йил вазирликдан истеъфо бериб, маърифатпарвар шоҳ орзуларидан узоқлашиб, эндиликда кўп вақтини хаёлий образлар яратишга, шу жумладан ўзининг

бутун бир ҳаёлий давлати бўлмиш – «Садди Искандарий» достонини ёзишга киришди.

Алишер Навоийнинг улуғлиги шундаки, у мавжуд адолатсиз сиёсий тузумни жаҳон миқёсида адолатли асосда қуриш зарурлигини тушунади, лекин қандай қилиб, қайси куч билан буни амалга ошириш мумкинлигини тасаввур қила олмайди ва шу сабабли ҳам бу улуғвор ишни фақат Искандарга топширади.

Навоийнинг эътироф этишича, мамлакатнинг ободлиги, иқтисодий, моддий жиҳатдан мустаҳкамлиги, элу-юртни тинч осойишталиги, одамларнинг фаровон ҳаёти кўп жиҳатдан шоҳга, унинг адолати, ҳалол-покизалиги, инсоф-диёнатига боғлиқ.

Шулардан хулоса қилиб, ҳозирги кунда ҳам ҳар бир тармоқнинг, соҳанинг, вилоят ёки туманнинг тараққиёти унинг биринчи раҳбарига боғлиқ деган фикрни билдириш мумкин. Бундай раҳбарлар Навоий меросига асосланиб иш кўрсалар ўз жабҳаларида адолатни таъминлаб тегишли натижаларга эришадилар.

Навоий ичкиликбоз ва порахўр қозиларни қолаверса бошқа ислом дини ҳуқуқшуносларини, жумладан қонуншунос муфтиларни қаттиқ танқид қилиб, ундайларни ўлдирмоқ ва уларни дўзах ўтига етмасданок қуйдирмоқ керак дейди. Модомики, ҳукми элнинг моли ва жонига тааллуқли экан қози ва муфтиларнинг шиори тўғрилиқ ва адолат бўлиши керак, деб таъкидланади.

Қозилар ва қонуншунос муфтилар ҳалол, инсоф-диёнатли бўлиши, қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги ҳақида Навоий томонидан эслатиб ўтилган ушбу илмий фалсафий ғоялар миллий истиқлол мафкурамиз учун ҳам, ҳозирги кундаги судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларда ишлаётган хизматчилар учун ҳам, умуман ҳар қандай раҳбар ходимлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биз юқорида келтирган буюк мутафаккир бобокалонларимиз айтиб ўтган ҳикматлар мамлакатимиз ҳаётининг бугунги кунда ҳам катта аҳамият касб этади.

Республикамизда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этаётган давлат хизматчилари, раҳбар ходимлар мустақил Ўзбекистон олдида улкан вазифалар турганлигини тушуниши, давлат томонидан ўзларига юклатилган катта масъулиятни ҳис қилиши, биринчи навбатда халқ



манфаатини ўйлаши, халқнинг ишончини оқлаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошлаган тараққиёт йўлидан бир ёқадан бош чиқариб, собитқадамлик билан бориши лозим. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш - адолатли, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин бўлади.

REFERENCES

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, А.Қодирий номидаги халқаро мероси нашриёти, 1993 й.
2. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, «Юлдузча», 1990 й.
3. Бобоев, З.Ғофуров. Ўзбекистонда сийсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2001 й.
4. Маликов, Б. Қ. (2021). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИГА ДОИР СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ. Scientific progress, 1(4), 207-212.
5. Маликов, Б. Қ., & Икромов, Д. Р. Ў. (2022). ШАРҚ ТАЪЛИМОТИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҒОЯЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 483-487.
6. Qurolovich, M. B. (2023). ALISHER NAVOIYNING VATAN VA DAVLAT XIZMATCHISI SIFATIDAGI SIYOSIY QARASHLARI. PEDAGOGS jurnali, 27(1), 78-81.
7. Беҳзоджон Қуролович Маликов ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР // Academic research in educational sciences. 2021. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-davlat-hizmatini-tartibga-solishdagi-muammolar> (дата обращения: 20.12.2022).
8. Маликов, Б. Қ. (2021). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИГА ДОИР СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ. Scientific progress, 1(4), 207-212.
9. Маликов, Б. Қ., & Икромов, Д. Р. Ў. (2022). ШАРҚ ТАЪЛИМОТИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҒОЯЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 483-487.
10. Маликов, Б. Қ. (2021). ЁШЛАРНИ САЛБИЙ МАФКУРАВИЙ ТАХДИДЛАРДАН ХДМОЯ КИЛИШ-ДАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ YANGI O'ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA'LIM ILMIY-METODIK JURNALI. ISSUE, 1(1), 202-206.
11. Маликов, Б. Қ., & Абдураимов, О. К. Ў. (2022). ХУҚУҚИЙ БАРКАМОЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 449-453.



12. Маликов, Б. Қ., & Дехқонбоев, Ш. Б. Ў. (2022). ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 462-466.
13. Маликов, Б. Қ., & Эшқурбонов, А. И. Ў. (2022). АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТДА ОДИЛ СУД СИФАТИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 467-472.
14. Маликов, Б. Қ., & Хамроқулов, Б. К. Ў. (2022). ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ВА ТАБИАТ ҚАДРИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 473-478.
15. Маликов, Б. Қ., & Хамроқулов, С. К. Ў. (2022). ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ҒОЯЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 479-482.
16. Маликов, Б. Қ., & Болиева, Н. Қ. Қ. (2022). ХУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 458-461.
17. Маликов, Б. Қ., & Бўриев, З. Б. Ў. (2022). ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ХУҚУҚИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 454-457.
18. Qurolovich, M. B. (2023). ALISHER NAVOIYNING VATAN VA DAVLAT XIZMATCHISI SIFATIDAGI SIYOSIY QARASHLARI. PEDAGOGS jurnali, 27(1), 78-81.
19. Qurolovich, M. B. (2023). YOSHLARNING SIYOSIY FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS HUSUSIYATLARI. PEDAGOGS jurnali, 27(1), 73-77.

